

Рамазон - покланиш оyi



14:08 / 06.04.2024 1395

Нима учун Рамазонда нафсларимиз роҳатланади? Чунки бу ойда нима учун яратилган бўлсак, ўша ғоя узра машғул бўламиз.

Баъзи рўзадорлар таровеҳ намозини ўқишмайди ёки ундан баъзисини ўқишади, холос. Ваҳоланки, Рамазонда таровеҳда қоим бўлган кишининг савоби улкан ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», деганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган.

Ушбу таровеҳ намозини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг халифалари адо қилишган. У бандани Роббига яқин қилиб, бандага

Аллоҳнинг мағфирати ва муҳаббатини келтириб чиқарадиган сабаблардандир. Таровеҳни ўқимасдан, уни тарк қилиш савобдан маҳрумлик деб эътибор қилинади.

Азизлар, енгни шимаринг, чунки азиз меҳмонимиз – Рамазон шошиб турибди. Қуръонингизни ўқинг, камчиликларингизни тўлдиринг, саждаларингизни узун қилинг, нафлларни кўпайтиринг, дуоларга берилинг, руҳиятингизни бир назорат қилиб олинг, Рамазонни қалбингиз ҳаёти қилиб олинг.

Эй ушбу ойнинг фазилатидан бебаҳра қолган ғофил! Ушбу фурсатни ғанимат бил.

- Эй озор берувчи сўзларни кўп гапирувчи, тилингни тий!

- Эй ишлардан масъул бўлган кимса, ақлингни йиғ!

- Эй хатолар туфайли қалби кирланган кимса, булғанган қалбингни тавба билан юв!

- Эй амал дафтарига фақат қабоҳатлар ёзилган кимса, амал дафтарингни тозалашга шошил!